



YOSHILAR OVOZI

ТОЖИКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ЎЗБЕКISTОНГА ДАВЛАТ ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифи билан Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмон 2018 йил 17-18 август кунлари давлат ташрифи билан мамлакатимизда бўлади.

Давлат раҳбарлари мунтазамлик касб этган олий даражадаги Ўзбекистон — Тожикистон мулоқотининг давоми сифатида Ўзбекистон Президентининг 2018 йил 9-10 март кунлари Тожикистонга давлат ташрифи давомида эришилган келишувлар ижросининг бо-

ришини муҳофаза қилиб, ҳамкорликни янада ривожлантиришнинг, унга узоқ муддатли ва кенг қўламли тўс берилсин устувор йўналишларини белгилаб олади.

Ўзбекистон ва Тожикистон раҳбарлари, шунингдек, халқро ва минтақавий сиёсатнинг долзарб масалалари юзасидан фикр алмашди.

Музокаралар якунида давлат раҳбарларининг Қўшма баёнотини қабул қилиш, Стратегик шериклик тўғрисидаги шартномани, турли соҳалардаги икки томонлама ҳамкорликни кен-

гайтириш, ўзбек ва тожик халқлари ўртасидаги аънавий қардошлик алоқаларини мустақамлашга қаратилган салмоқли давлатлараро, ҳукуматлараро ва иборалараро ҳужжатлар тўпламини имзолаш режалаштирилмоқда.

Тожикистон Президентининг Ўзбекистонга ташрифи даврида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Нурдин-жон Исмоилов, Бош вазир Абдулла Арипов билан учрашувлар ўтказиш, Самарқанд шаҳрини зиёрат қилиш ҳам жой олган.

Ў.А

DOLZARB MAVZU

ЕЧИМГА КИРИШИЛДИ

Пойтахтимизда жиноятчиликка қарши курашишнинг долзарб масалаларига бағишланган амалий семинар ўтказилди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти девони, Ички ишлар, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари, Ёшлар иттифоқи, Республика маънавият ва маърифат маркази, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари вакиллари, шунингдек, психолог, ҳуқуқшунос, ижодкор зиёлилар иштирок этди.

Тадбирда ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича самарали тизим яратиш, оилалардаги ижтимоий-маънавий муҳитни тизимли ўргатиш, ёш авлодини мафқуравий таҳдидлардан ҳимоялашда барча ташкилотларнинг ҳамжиҳатлигида ишлашга эришиш зарурлиги таъкидланди. Семинар шўба йиғилишлари кўринишида давом этди. Мулоқот жараёни-

да ҳудудларга чиқиб, жиноятчилик ҳолатини ўргатиш, ҳудудликка мойиллиги бор йигит-қизлар билан ишлаш бўйича инновацион йўриқнома яратиш бўйича таклифлар ўртага ташланди.


Қайд этиш керак, ҳозирда малакали мутахассислардан иборат гуруҳлар жиноятчилик кўрсаткичи юқори бўлган туман ва шаҳарларга чиқиб, у ердаги ҳақиқий аҳвол билан танишмоқда. Масъулларга тегишли тавсиялар берилди. Ҳавф гуруҳидаги аҳоли учун махсус семинар-тренинглар ва психолог қабулларини ташкил этиш ҳам кўзда тутилган.

Мухбиримиз

МУСТАҚИЛЛИК

27
ЙИЛ

MUSTAQILLIK MENING TAQDIRIMDA



САОДАТЛИ КУНЛАРИМИЗ БАРДАВОМ БЎЛСИН!

Спортга кириб келганга йигирма икки йил бўлибди. Шу вақт мобайнида ҳаётимда кўп ўзгаришлар рўй берди. Лекин мен учун энг аҳамиятлиси — жаҳон ареналарида Ватаним байроғини юқори кўтарганимдир.

2008 йилда муайтай бўйича республика биринчилигида бронза медалини қўлга киритдим. Бир йилдан сўнг Тошкент шаҳар очик чемпионатида олтин медалга сазовор бўлдим. 2014 йилда универсал жанг санъати бўйича спорт устаси талабини бажарганим унутимас воқеага айланди. Тошкент темир йўл муҳандислари институтида ўқиб юрганымда ҳам спорт билан шуғулланишни қанда қилмадим. Бунинг самараси ўлароқ, 2015 йилда қомбат айқидо бўйича республика чемпионатида зафар қўчдим.

Жорий йилда эса, Таиландда профессионаллар ўртасида ўтказилган муайтай бўйича жаҳон чемпионатида 61 килограмм вазн тоифасида олтин медални қўлга киритдим. Ҳозир Тошкент темир йўл узоғига қарашли Сергели станциясида бош қондактор вазифасида фаолият юритиш билан билан, спортнинг бир қанча турлари бўйича мураббийлик қиламан. Спорт залига кирар эканман, ҳар сафар болагим ёшимга тушади.

Онам спортга иштирокини иллаганида ҳамаси беш-олти яшар бола эдим. Дастлаб ўзимнинг Сур-

хондарада — Қизирқ туманидаги 16-умумтаълим мактаби спорт залида шуғулланганман. Кейин Олтинсой туманига кўчиб келдик. Афсуски, у пайтар бугунгидек тўқис шароитлар йўқ эди. Заллар анча эскирган, спорт анжумани ҳам етарли эмасди. Қишда-ку совуқдан этингиз жунжикарди. Йиллар давомида шу алфозда машқ қилганимиз. Лекин спортга бўлган меҳр сўнмади. Ўртимиз, албатта, ривожланиши, эртаси бугундан-да саодатли бўлишига чин дилдан ишонардим.

Мамлакатимизда кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Эч бир соҳа, шу жумладан, спорт ҳам эътибордан четда қолмаётгани йўқ. Ўзгаришларни кўриб, севинаман. Айтайлик, илгари Ўзбекистондан санокчи спортчилар жаҳон ареналарига чиқа олган. Энди-чи! Қуна-қунаро ўзбек йигит-қизларининг шонли зафарлари ҳақида эшитяпми. Буларнинг барчасини мен истиклоннинг тенгсиз тўхталари деб биларман.

Саодатли кунларимиз бардавом бўлсин!

Жасурбек НЕЪМАТОВ,
муайтай бўйича
жаҳон чемпиони

ЎЗБЕКISTОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

ЁШЛАРНИ МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ВА ЖИСМОНИЙ БАРКАМОЛ ЭТИБ ТАРБИЯЛАШ, УЛАРГА ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ БЕРИШ ТИЗИМИНИ СИФАТ ЖИҲАТИДАН ЯНГИ БОСҚИЧГА КЎТАРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда баркамол авлодини шакллантириш, ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмонан соғлом этиб тарбиялаш, уларни олиб борилаётган ислохотларнинг фойда иштирокчисига айлантиришга қаратилган чора-тадбирлар изчил амалга оширилмоқда.

Жумладан, мактабга таъминнинг замонавий тизими, 11 йиллик умумий ўрта таълим жорий қилинмоқда, замонавий олий таълим муассасалари ҳамда нуфузли хорижий университетларнинг филиаллари ташкил этилмоқда.

Ёшларнинг бандлигини таъминлаш ва уларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб қилиш бўйича ишларни мутлақо янги тизим асосида ташкил этиш ва амалга ошириш мақсадида “Yoshlar — kelajagimiz” Давлат дастури қабул қилинди.

Ёшлар билан доимий мулоқот қилиш мазкур соҳадаги долзарб муаммоларни аниқлаш ва ҳал этишда давлат органлари ва жамоат ташкилотлари фаолиятининг ажралмас қисмига айланиб бормоқда.

Шу билан бирга, амалга оширилган ишларнинг таҳлили бу борада айрим муаммолар сақланиб қолаётганини кўрсатмоқда. Хусусан:

биринчидан, ёш авлод онгига Ватанга содиқлик ва унинг тақдирини ўзининг ҳиссини сингадиришга, уларда ёш ва қарашларнинг салбий таъсирига нисбатан мафқуравий имунитетни шакллантиришга қаратилган чора-тадбирлар етарли даражада самара бермапти;

иккинчидан, миллий ва умуминсоний қадриятларга содиқлик, диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувликни мустаҳкамлаш, шунингдек, экстремизм, терроризм ва бошқа бузғунчи ғояларга нисбатан мурасасизликни шакллантириш юзасидан давлат органлари ва жамоат ташкилотларининг фаолияти ҳамон талаб даражасида эмас;

учинчидан, ўқувчи-ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш учун зарур бўлган маданий-қўнғилочар объектлар, мактабдан ташқари таълим муассасалари, шу жумладан, жойларда турли ижодий ва таълим тўғрисидаги спорт секцияларининг етишмаслиги болаларнинг соғлом руҳда тарбияланишига ва турли ҳаёт йўлини танлашига салбий таъсир кўрсатмоқда;

тўртинчидан, ўқувчи ва мураббийларнинг ижтимоий мавқеи ва нуфузи пасайиб кетгани, уларни моддий ва маънавий рағбатлантириш тизими бугунги кун талабига мутлақо жавоб бермаслиги ёш авлодини ўқитиш ва тарбиялаш ҳамда мустақил дунёқарашини шакллантириш борасида жиддий муаммоларни келтириб чиқармоқда;

бешинчидан, ёшларнинг олий таълим муассасаларига қамраб олинган даражаси пастлиги, етакчи хорижий олий таълим муассасалари билан ўзаро ҳамкорлик етарлича йўлга қўйилмагани малакали кадрларнинг етишмаслигига ва олиб борилаётган ислохотлардан қўзланган мақсадга тўлиқ эришилмаслигига сабаб бўлмоқда;

олтинчидан, соҳада қўнғилочар ҳолатларининг сақланиб қолаётгани, шу жумладан, ёшларни қўллаб-қувватлашга ажратилаётган маблағларнинг мақсадли сарфланишида назоратнинг етарли даражада эмаслиги тизимли муаммоларни юзга чиқармоқда.

Қайда этилган муаммоларни бартараф этиш, ёш авлодини тарбиялаш борасидаги ишларни янада тақомиллаштириш, таълим-тарбия сифатини мазмун жиҳатидан янги босқичга кўтариш, ўқитувчилар касбининг нуфузини ошириш мақсадида, шунингдек, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ:

(Давоми 2-саҳифада)

ОГОҲ БЎЛИНГ, “МОМО”!

Яқинда Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси интернетда “Момо” деб номланган яна бир хавфли ўйин тарқалган ҳақида огоҳлантирди. “Момо”ни бир вақтлар ижтимоий тармоқларда оммалашган ва қўллаб ўсирилган ҳаётга зомин бўлган “Кук кит”нинг янги кўриниши дейиш мумкин. У ҳам одамни ўлимга олиб боради.

штатида энг хавфли ўйин, дея тан олинди. Бунга аргентиналик 12 яшар қизнинг ўлими сабаб бўлди. Ўз жонига қас қилган ўсмирнинг телефони текшириб кўрилганида, унга “Момо”дан ўлим буйруғи келгани аниқланган. Ҳўш, бу “худушлик эпидемияси” қай тарзда оммалашаяпти? “Момо” энг фаол ижтимоий тармоқ фой-

кураторлари майда-чуйда саволлар орқали ёшларнинг ижтимоий аҳволи ва психологик ҳолатига ойдинлик киритди. Кейин турли буйруқларни бажаришга мажбурлайди. Бунга рад этган фойдаланувчилар ўлим билан кўрқитилади.

“Момо” муаллифлари япониялик уста Мидорни Хаяси яратган суратдан фойдаланган. Фақат ундаги аёл киефаси ниҳоят даражада ваҳшийлаштирилган.

— “Момо” янги психолог урушини бошлаяпти, — дейди психолог Гулнара Айимбетова.

— Унинг раҳнаомлари кўрқитиш усулидан унумли фойдаланиб, интернет фойдаланувчиларини ўз измига бўйсундиришда “Google” таржимони орқали хоҳлаган тилда сўзлашиб, наврасталарни гирдобига тортмоқда. Йигит-қизларимиз ва уларнинг ота-оналарини хавф-хатардан вақтида огоҳлантириб, ўйин оқибатлари ҳақида етарлича маълумот бериш керак. Тармоқдаги дўстлар рўйхатида “Момо” пайдо бўлса, уни дарҳол блок-клуб қўйиш мақсадга мувофиқдир.

Қумар БЕГНИЯЗОВА



Бир ой ичида “What’s App” мессенжери орқали туқсонга яқин давлатга тарқалган мазкур илова Мексиканинг Табаско

даланувчиларига кўнғирок қилади. Кейин улар билан кўрқинчи сурат ва видеотасвирларни “Бахам кўради”. Ўйин

MUNOSABAT

БУ БАЙРАМ БИЗНИ ЖАҲОНГА ТАНИТГАЙ

Ўзбек халқи бой муסיқий меросга эга. Биргина мақом санъати ва бу йўлда яратилган куй-тароналарнинг ўзи биз учун тенгсиз қадриятдир.

Болаликда лапарлар эшитиб ўлғайдим. Бувим Бухоро “Шашмақом”ини маромига етказиб куйларди. Бора-бора мен ҳам аънавий ижрочиликка қизиқдим. Ана шу орзу-ҳавас билан Ўзбекистон давлат консерваториясига ўқишга кирдим. Шукри, менга санъат даргаларидан сабоқ олиш насиб этди.

... 2009 йил мақом ижрочиси сифатида танилдим. Бу воқеа Бoku шаҳрида элликлан ортик мамлакат вакиллари иштирокида ўтказилган Байналхалқ муқом фестивалида юз берганди. Яхши эслаяман, беллашув шартлари анчайин мурраккаб эди. Рости, финалга чиқа олишимга ишонмасамин. “Биринчи ўрин — Ўзбекистон!”, деган эълон эса, мени тамоман эсанкиратиб қўйганди.

Уша фестиваль баҳонасида қўллаб хорижий санъаткорлар билан танишдим, дўст тутидим. Улар санъатимизга таҳсин айтиб, ўзбек мақом усталари ҳар қандай миллатнинг мақомини қуйлай олсини эътироф этганида бошим кўкка етганди.

Ушандан буён “қани энда, ўзимизда ҳам халқаро мақом фестиваллари ўтказилса-ю, санъатимизни жаҳонга янада тўқис намоеъи эта олсак”, деган истак билан яшаб келяман. Мана, ниҳоят, орзуми ушаладиган бўлди.

Президентимизнинг 2018 йил 6 апрелдаги қарорига мувофиқ, энди юртимизда ҳар икки йилда бир марта Халқаро мақом санъати анжумани ўтказилади. Насиб этса, биринчиси сентябрь ойида Шаҳрисабз шаҳрида шохид бўламан. Бундан жуда хурсанман. Ҳис қилиб турибман, бу анжуман халқларни дўстлаштирадиган, ўзаро ҳам-жиҳатлик ва ҳамкорлик ришталарини мустаҳкамлайдиган катта санъат



байрамига айланади.

Фестиваль доирасида “Энг яхши мақом хонандаси”, “Энг яхши мақом созандаси”, “Энг яхши мақом устози”, “Энг яхши мақом тарғиботчиси”, “Энг яхши мақомчи” каби номинациялар бўйича мукофотлар таъсис этилгани эса, мақом йўналишида ижод қиладиган ёшлар учун ҳам маънавий, ҳам моддий рағбат бўлиб, уларнинг янада юксалишига хизмат қилади, деган умиддаман.

Юлдаз ТУРАНИЕВА,
Ўзбекистонда
хизмат кўрсатган
артист

ESLAYSIZMI?

Илк маротаба Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси ишлаб чиқилди.

Муҳим ҳужжат Президентимизнинг 2017 йил 7 февралдаги фармони билан тасдиқланиб, бешта устувор йўналишни ўз ичига қамраб олган.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

ЁШЛАРНИ МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ВА ЖИСМОНИЙ БАРКАМОЛ ЭТИБ ТАРБИЯЛАШ, УЛАРГА ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ БЕРИШ ТИЗИМИНИ СИФАТ ЖИҲАТИДАН ЯНГИ БОСҚИЧГА КЎТАРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Бошланиши 1-саҳифада)

250 нафаргача — 1 штат бирлигида;
250 нафардан 800 нафаргача — 1,5 штат бирлигида;
800 нафардан 1600 нафаргача — 2 штат бирлигида;
1600 нафардан 3000 нафаргача — 2,5 штат бирлигида;
3000 нафар ва ундан ортиқ — 3 штат бирлигида.

Умумий ўрта ва ўрта махсус таълим муассасаларида олий маълумотлиқ психологлар учун базавий тариф ставкалар 2018 йил 1 сентябрдан ушбу муассаса мутахассис ўқитувчилар базавий тариф ставкаларининг 90 фоизига тенглаштирилсин, 2019 йил 1 январдан эса 1,1 бараварга оширилсин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2018 йил 1 ноябрда қарар муҳлатда ўқувчиларни психологик-педагогик қўллаб-қувватлаш ишларини янада тақомиллаштириш буйича ҳукумат қарорини қабул қилсин.

5. Умумий ўрта таълим мактаби ўқитувчиларининг дарс ва тўғрақ машғулотларини ташкил этиш ҳамда синф журналини юритишдан ташқари бошқа педагогик юкмамаляр буйича ҳисоботлар ва қўшимча маълумотларни талаб қилиш қатъиян тақиқлансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси, Молия вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан биргаликда 2018 йил 1 ноябрда қарар илгор хорижий тажрибадан келиб чиқиб, директор жамғармаси маблағлари ҳисобидан умумтаълим муассасаларининг ўрнак кўрсатган педагог кадрларни фаолиятининг натижавийлиги асосида рағбатлантиришни шартли тизимини жорий этиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақлиф қилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Молия вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши икки ой муҳлатда:

ҳудудий, республика ва халқаро фан олимпиадаларида соҳибдорларни қўллаб қўриган ўқувчиларни тайёрлаган педагог кадрларга энг кам иш ҳақининг 5 бараваридан 50 бараваригача миқдорда бир марталик пул мукофоти бериш тартибини;

умумий ўрта таълим муассасалари фаолиятини молиялаштириш манбаларини диверсификация қилиш ва асосий фаолияти буйича қўшимча пуллик хизматлар кўрсатиш тартибини;

таълим ривожига муносиб ҳисса қўшган, давлат мукофотларига сазовор бўлган педагог кадрларни давлат ва ҳужалик бошқаруви органларига қарши санаторий-соғломлаштириш муассасаларида имтиёзли шартларда соғломлаштириш тартибини назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Қурилыш вазирлиги ҳамда Иқтисодиёт вазирлиги Молия вазирлиги, Марказий банк, "Ўзшаҳарқурилишнинг" ва "Қишлоққурилишнинг" инжиниринг компаниялари билан биргаликда икки ой муҳлатда ҳар йили қишлоқ ва шаҳарларда намунавий лойиҳалар буйича қурилатган арзон уй-жойларнинг бир қисмини халқ таълими тизимидаги педагог ходимларга 20 йил муҳлатда, 3 йиллик имтиёзли давр ҳамда биринчи 5 йил мобайнида йиллик 7 фоиз ставкаси билан ва кейинги даврда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкаси миқдоридан дастлабки бадал 10 фоиз бўлган ипотека кредити сифатида бериш, шунингдек, "Ҳар бир оила — тадбиркор" дастури доирасида педагог ходимларнинг оила аъзоларига иссиқхона ташкил этиш, қорамол, парранда сотиб олиш ва тадбиркорлик фаолияти учун 3 йиллик муҳлатда, 6 ойлик имтиёзли давр билан, йиллик 7 фоиз ставка миқдоридан кредитлар бериш тартибини ишлаб чиқин ва белгиланган тартибда тасдиқлаш учун киритсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Мо-

лия вазирлиги, Марказий банк, бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда уч ой муҳлатда Халқ таълими вазирлиги ҳузурида халқ таълими тизимидаги ходимлар учун ипотека кредити, автотранспорт воситаси сотиб олиш ва бошқа мақсадлар учун истеъмо кредитлари беришни молиялаштириш буйича махсус жамғармани ташкил этиш, унга Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тарққиб жамғармаси ҳисобидан 100 миллион АҚШ доллари ажратиш ҳамда халқаро молия институтларининг маблағларини жалб этишни назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқин ва белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан тақдим этилган рўйхат буйича халқ таълими тизимидаги педагог ходимларга истеъмо кредитлари, шу жумладан, автотранспорт воситалари сотиб олиш учун махсус жамғарма ҳисобидан қўйидаги шартларда кредитлар бериш тартиби ўрнатилсин:

кредитни бериш муҳлати — 1 йил имтиёзли давр билан 5 йил муҳлатда;
дастлабки бадал суммаси — сотиб олинган автотранспорт воситаси қийматининг 25 фоизи;
кредит учун фоиз ставкаси — Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкасидан кўп бўлмаган миқдорда.

"Ўзвотсаноат" АЖ Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан тақдим этилган педагог ходимлар рўйхати асосида улар томонидан тижорат банклари кредитлари ҳисобига автотранспорт воситалари сотиб олиш учун автотранспорт воситалари ажратилишини тавминласин.

11. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши билан биргаликда икки ой муҳлатда халқ таълими соҳасида баркамол авлодни вояга етказишда филокорна меҳнат қилаётган, ёшлари ватанпарварлик ғояларига

садоқат руҳида тарбиялаш ишларида муносиб ҳисса қўшаётган халқ таълими тизими ходимларини тақдирлаш учун давлат мукофоти таъсис этиш буйича норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқин ҳамда ўрнатилган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

12. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги билан биргаликда 2018-2020 йилларда педагогик касбининг юксак ижтимоий маъқеи ва обрўсини тарғиб қилувчи "Ўқитувчи ва мураббийлар хиебонлари"ни ташкил этсин.

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги Қурилыш вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Баалиқ академияси, Ёзувчилар уюшмаси, "Хунарман" уюшмаси билан биргаликда бир ой муҳлатда "Ўқитувчи ва мураббийлар хиебонлари"нинг концепцияси ва намунавий лойиҳасини ишлаб чиқин ҳамда белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018/2019 ўқув йилидан бошлаб умумтаълим мактаблари, шу жумладан, ихтисослаштирилган мактаблар, санъат ва маданият мактаб-интернатлари, олимпиада захиралари мактаб-интернатлари ҳамда академик лицейлар битирувчиларига аҳоли билими, намунали ҳуққи ва жумла ишларидаги фаоллиги учун бериладиган олтин ва кумуш медалларни таъсис этиш тўғрисидаги тақлиф маъқуллансин.

Белгилаб қўйилсинки: олтин медал умумий ўрта таълим муассасаларининг 9-синфини битирганлик тўғрисидаги аҳоли даражаси шаҳодатномаси мавжуд, 10-11-синфлардаги барча фанлардан оралик, якуний назоратлари, чораклик ва йиллик баҳолари аҳоли бўлган, намунали ҳуққ-атворли ва жамоат ишлари-

да фаоллик кўрсатган 11-синф битирувчиларига берилади;

кумуш медал умумий ўрта таълим муассасаларининг 9-синфини битирганлик тўғрисидаги аҳоли даражаси шаҳодатномаси мавжуд, 10-11-синфлардаги барча фанлардан йиллик баҳолари аҳоли бўлган, намунали ҳуққ-атворли ва жамоат ишларида фаоллик кўрсатган 11-синф битирувчиларига берилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муҳлатда умумий ўрта таълим муассасалари битирувчиларини аҳоли баҳолаб қўйганини, намунали ҳуққ-атворли ва жамоат ишларидаги фаоллиги учун олтин ва кумуш медал билан тақдирлаш тартибини тасдиқласин.

14. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси, Халқ таълими вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда уч ой муҳлатда умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар, олий таълим, мактабдан ташқари таълим соҳасига давлат-хусусий шериклигининг жорий этилиши борасида мавжуд аҳоли ва илгор хорижий давлатлар тажрибасини, жумладан, жойига чиққан ҳолда урганиб, белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига тақлиф қилсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ташқи ишлар вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси, тасарруфидо олий таълим муассасалари бўлган вазирлик ва идоралар, Ўзбекистоннинг хорижий мамлакатлардаги дипломатик ваколатхоналари раҳбарлари билан биргаликда икки ой муҳлатда жаҳондаги олий таълим муассасалари рейтингига 1000 талик рўйхатга кирадиган хорижий олий таълим муассасаларининг, шу жумладан, педагогика йўналишидаги олий таълим муассасаларининг филмал (факультет)ларини Ўзбекистон Республикасида лицензия олмадан ва бошқа имтиёзли шартларда ташкил этиш масаласини урганиб

чиқсин ҳамда аниқ тақлифлар киритсин.

16. Қўйидагилар таққилансин: халқ таълими ходимларини хизмат мажбурияти билан боғлиқ бўлмаган ишларга, мажбурий меҳнатга, шу жумладан, туман ва шаҳарлар ҳудудларини ободонлаштириш ҳамда қўққамзорлаштириш ишлари, мавсумий қишлоқ ҳўжалиги ишлари ҳамда бошқа турдаги ишларга жалб қилиш;

халқ таълими ходимларини уларнинг касбий фаолияти билан боғлиқ бўлмаган йилги ишлар ва бошқа тадбирларга жалб қилиш, уларнинг босма нашрларга мажбуран обуна бўлишини ташкил этиш;

халқ таълими муассасалари фаолиятини қонун ҳўжжатларида назарда тутилмаган асосларга ва ўрнатилган тартибга риоя этмаган ҳолда текшириш.

Давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарлари мазкур талаблар бузилган ҳолларда тегишли жавобгарликка тортилиши ҳақида қатъий огоҳлантирилсин.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан биргаликда педагог ходимларнинг ҳўқуқ ва эркинликларини чеклаш ҳолатларини ўз вақтида аниқлаш ва баргараф этиш мақсадида қонун ҳўжжатлари талабларига риоя этилиши устидан мунтазам равишда назорат тадбирларини ўтказсин ҳамда айбдор шахсларнинг жавобгарликка тортилишини таъминласин.

17. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги билан биргаликда бир ой муҳлатда Халқ таълими вазирлиги, унинг ҳудудий тузилмалари фаолиятини янада тақомиллаштириш, шу жумладан, унинг ташкилий тузилмасини қайта қўққиб киши ва штатлар сонини маъқул-

лаштириш орқали таълим соҳасига бошқарувнинг илгор услубларини жорий этиш юзасидан тақлифлар киритсин.

18. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги 2019 йил 1 августга қадар Молия вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси билан биргаликда умумий ўрта таълимнинг амалдаги таянч ўқув режасини қайта қўққиб чиқиб, 2019/2020 ўқув йилидан бошлаб 10 фоизга қисқартириш ҳамда мазкур фанлар буйича дарс сатлари қисқартирилган мутахассисларни талаб юқори бўлган бошқа ўқув фанларга бепул қайта тайёрлаб ўтказиш юзасидан тақлиф киритсин.

21. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ушбу қарор ва дастурларни амалда ошириш билан боғлиқ харажатларни молиялаштириш учун зарур маблағларни 2018 йил учун ажратсин ҳамда 2019 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети харажатлари параметрларида назарда тутсин.

22. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муҳлатда қонун ҳўжжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

23. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат маслаҳатчилари А.А.Абдувахитов ва Қ.К.Қўранбаев, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.А.Абдуҳақимов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — молия вазири Ж.А.Қўққоров зиммасига юқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президентини

Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2018 йил 14 август

YUKSALISH

Роҳатой ҚОДИРОВА

Улар янги олий ўқув юртининг биринчи қадирғочлари бўлиб, компьютер ва дастурий инжиниринг мутахассислигини эгаллаган.

87 ЙИГИТ-ҚИЗ

Тошкент шаҳридаги Инҳа университетини тамомлади



Тошкент шаҳридаги Инҳа университети бундан тўрт йил муқаддам Корея Республикаси билан ҳамкорликда ташкил этилган. Утган вақт мобайнида у ахборот технологиялари соҳаси учун замонавий мутахассислар етказиб берадиган юртимиздаги етакчи таълим даргоҳига айланди. Ҳозирда университетда компьютер ва дастурий инжиниринг ҳамда логистика таълим йўналишлари

буйича кадрлар тайёрланмоқда. Илк битирувчиларга Тошкент шаҳри ҳамда Корея Республикасидаги Инҳа университетларининг қўққма дипломи топширилди. Тантанали маросимда Корея Республикасидаги Инҳа университети вице-президенти Ченг ИнКё ҳам иштирок этиб, ўзбекистонлик талабаларни қўққончи воқеа билан самимий қўққлади. — Умид қиламанки, Ватан раванки йўлида бор

қуч-ғайратингизни аямасиз, — деди мартабали меҳмон. — Ўзбекистон иқтисодиёти тобора ривожланмоқда. Мен бу давлатнинг истиқболига ишонман. Ўзбекистоннинг юқсалиши сиздек билимли ёшларга ҳам боғлиқ. Изланишдан тўқтаманг, ҳамиша янги билимларга интилинг! Тадбир чоғида бир нечта иқтисодчи талабага ўқийдаги ютуқлари ҳамда ижтимоий ҳаётидаги фаоллиги учун мукофотлар топширилди.

BUGUNNING GAPI

Лайло ҲАЙИТОВА

ЭСКИ "ҚОЛИП" ЭНДИ ЯРАМАЙДИ

Бухоро шаҳрида "Yoshlar — kelajagimiz" Давлат дастури доирасида меҳнат ярмаркаси бўлиб ўтди. Ёшлар иттифоқининг маҳаллий кенгаши ташаббуси билан ташкил этилган тадбир ҳақида маъқуллардан бири — шаҳар ҳокимлигининг инвестиция бўлими мутахассиси Ризамат Жабборовнинг фикрини сўрадик. Бироқ у ярмарка ҳақида бир-икки соат олдин хабар топганини айтиди, ўзини панага тортди. Бундай бемаза жавобдан таъбимиз хира тортди.

Марказга ёпирилиб келадиган ёшларни кузатиш. Ташкилий ишлар жойида. Бундан кўққининг узунда ярмаркага 1 минг 500 нафардан зиёд аҳоли (касарияти ёшлар, албатта) келганини корхона-ташкилотлар томонидан 1 минг 800 дан ортиқ бўш иш ўрни тақлиф этилганидан ҳам билса бўлади. Бироқ иш излаб келганларнинг атиги 50 нафари ўз мақсадига эришган. Нега бунчалик кам?

— Олий маълумотли педагогман, — дейди Машхура Қўранова. — Афсуски, ярмаркада биронта ҳам таълим муассасаси қатнашмади. Тақлиф талабага яраша бўлса қани эди.

Сўхбатдошимизнинг эътирозидан жон бор.

Бошқа томондан, ким билсин дейсиз, эҳтимол таълим муассасалари чиндан ҳам кадрга муҳтож эмасдир... Кузатишда давом этдик. "Жамшид Жавоҳир агротехник сервис", "Интер Агро Голден Фреш" ҳамда "Элтек эксклюзив" масъулияти чекланган жамиятлари ёшларга 850 минг сўмдан 5 миллион сўмгача маош тақлиф этапти. Афсуски, улар излаётган олий маълумотли механик, соловчи-пармаловчи, агроном, муҳандис-технолог йўқ. Бундан ташқари, қурилиш-монтаж, электр пайвандалаш, транспорт каби соҳалар буйича ҳам мутахассисларга эҳтиёж катта. 800 минг сўмгача маош ваъда қилинган. Аммо меҳнатга лаёқатли қўққлаб ёшлар учун бу пул кам.

— Бухоро архитектура ва қурилиш касб-хунар коллежини тугатганман. Икки йилдан буюн иш излайман. Таъбимдагиси топилмапти, — дейди Баҳодир Акмалов.

— Ахир, тақлиф этиладиган бўш ўринларнинг салкам олтинми фоизи сизнинг мутахассислигингиз буйича-ку! — Тўғри, лекин маоши кам. 800 минг сўмга ким ишларкан? — Ҳечдан кўра-да... — Ҳозирча ота-онам

хорижда ишлаб, пул жўнатиб турибди, — дея сўхбатдошимиз сўнги русумдаги телефондан кўққини узмай нари кетди.

Боқимандалик кайфиятида юрган мана шундай ёшлар орасида кўпроқ тушунтириш, тарғибот ишларини олиб боришимиз, уларни жамиятнинг фаол аъзосига айлантиришимиз керак.

"Bukhara Cotton Textil" хорижий корхонаси вакиллари эътиборимизни тортди. Ярмаркада улар нақд 1 минг 48 та иш ўрни тақлиф этаётган экан.

— Элик-олтинш нафар ёш ишга кириш хоҳишини билдирди, — дейди корхона бўлими бошлиғи Улуғбек Атоев. — Эртага улар корхонамизга келиб, шариотлар билан танишади. Лаёқатига қараб ишни тақсимлаймиз.

— Лекин қўққимиздаги маълумотга кўра, бор-йўғи 50 нафар йигит-қиз ишли бўлган экан, — дедим ҳайрон қўққиб.

Сўхбатдошим елка қисди. Меҳнат ярмаркаларини эски "қолип" ва сценарийлар асосида ўтказиш энди ярамайди. Янгича ёндашув керак. Қанонгача ёлғон яшиқ ҳисоботлар билан узинини алдаб юрамиз. Мутасаддилардан масалага жиддий эътибор қаратишини сўраб қоламиз.

ISLOHOT ODIMLARI

Санжар ЭШМУРОДОВ

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги матбуот анжуманини ташкил этди. Журналистларга соҳага доир қонун ҳўжжатларининг ижроси, тизимдаги янгиликлар, мажбурий меҳнатнинг олдини олиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш юзасидан қилинаётган ишлар ҳўсусида маълумот берилди.

МАЖБУРИЙ МЕҲНАТГА ЧЕК ҚЎЙИЛАДИ

Қайд этилганидек, жорий йилнинг ўтган етти ойи мобайнида вазирлик томонидан 382 минг нафарга яқин фуқаро ишга жойлаштирилган. Бироқ анжуманда иштирок этган Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири Шерзод Қўққиев тизимда муаммолар ҳам мавжудлигини яширмади. Хусусан, айрим ҳудудларда меҳнат ярмаркалари ҳўжжакўрсинга ўтказилаётгани, бир марталик иш билан таъминлаш бюрolari фаолияти қоникарли эмаслиги, аҳолини касбга ўргатиш, ишсизларга нафақа тайинлашда камчиликлар кўққга ташланаётгани танқид қилинди. Мамлакатимизда меҳнатга лаёқатли аҳолининг 35 фоизи ишсиз экани ҳам ачинарли ҳол. Бу эса, тизимни тубдан ислоқ қилиш кераклигини англади.



Тадбирда жорий йилда Жамоат ишлари жамғармаси тузилиб, 700 миллиард сўм маблағга эга бўлгани шунингдек, Бандликка

қўққлаштириш давлат жамғармаси ҳисобига иккинчи ярим йиллик учун 150 миллиард сўм йўналтирилгани айтилди. Бундай имкониятлар мамлакатимизда ишсизликни қисқартиришга хизмат қилиши керак. — Утган олти ой мобайнида 40 дан ортиқ мажбурий меҳнат ҳолати аниқланиб, айбдорлар маъмурий жавобгарликка тортилди, — дейди вазирлик бошқармаси бошлиғи Баҳодир Қўққоров. — Мажбурий меҳнатга

йўқ қўққмаслик учун вазирлик таркибидаги давлат меҳнат техник ва ҳўқуқий инспекторларнинг сони оширилди, ваколати янада кенгайтирилмоқда. Шунингдек, қонун бўзилари ҳақида тезкор хабардор этишнинг махсус тизими ҳам яратилмоқда. Бунда шахс ҳақидаги маълумотлар сир сақланиши қафолатган. Тадбир якунида мутахассислар журналистларнинг савоалларига жавоб берди.



"YOSHLAR — KELAJAGIMIZ" DAVLAT DASTURI — AMALDA

54 МИЛЛИАРД СЎМ ЙЎНАЛТИРИЛДИ

Ахрор СОДИҚОВ

Қашқадарё вилояти ҳокими Зафар Рўзиев ҳудуддаги ёш тадбиркорлар ва ўз бизнесини бошламоқчи бўлган йигит-қизлар билан учради. Унда мутасадди ташкилотлар раҳбарлари, "Yoshlar — kelajagimiz" жамғармасининг туман ва шаҳар бўлимлари директорлари, тижорат банклари вакиллари қатнашди.

Иштирокчиларга "Yoshlar — kelajagimiz" жамғармасининг мақсад-вазифалари ва амалдаги фаолияти

хусусида маълумот берилди. Таъкидланганидек, ушбу тузилма ёшларнинг бизнес лойиҳа, стартап ва

ташаббусларини қўллаб-қувватлайди. Масалан, айни вақтда ишсиз тенгдошларимизга уй шароитида 20 тагача пар-

ранда ва қуён боласи, бешта майда ва иккита йирик қорамол сотиб олиб, боқишда кўмаклашиляпти. Қашқадарё вилоятида шу мақсадга жамғарма ҳисобидан 54 миллиард сўм маблағ йўналтирилган.

Тадбирда тенгдошларимизнинг муаммо ва тақлифлари тингланди. Аксарият мурожаатлар жойида ҳал этилди.

TADBIKORLIKKA QADAM

ЧЕВАР ҚИЗ ЦЕХ ОЧАДИ

Косон туманида истиқомат қилаётган Рухсора Асланова онасидан каштачилик ҳунарини ўрганган. Либос моделларини яратишга ҳам ўқуви бор. Шу чоққача ўттиз нафарга яқин шоғирда тарбиялади.



Мана энди, тенгдошимиз бизнес лойиҳага қўл урди. Иттифоқнинг Қашқадарё вилояти кенгаши кўмагида унга тикув цехини ташкил этиш учун 500 миллион сўм миқдорида кредит ажратилди. Бу маблағ бўлғуси тадбиркорга "Yoshlar — kelajagimiz" жамғармаси ҳисобидан ниҳоятда қулай шарт асосида — йиллик 7 фоиз ставкада тақдим этилди. Шавкат КАРОМОВ фотоланган.

КИТОБЛАР ТАФАККУР КЕМАЛАРИДИР

Ғулумжон ТОҒАЕВ,
Самарқанд давлат архитектура ва қурилиш институти ўқитувчиси

Ёзувнинг пайдо бўлиши ва китоб чоп этиш дастгоҳининг яратилиши инсоният тараққиётида кескин бўрилиш ясади. Айтиш керакки, ундан кейинги воқеалар ҳам башарият тарихига мангу муҳрланган. Одамзод яратган маънавий ва маданий бойликлар, умуминсоний қадриятлар, аввало, ёзма адабиётларда акс этади. Шу боис китобни ўз даврининг ноқир қомуси дея таърифлаш ўринли. Инглиз филолусуфи Френсис Бекон айтганидек: "Китоблар замон доғдаларида сузувчи ва ўзининг қимматбахо юқини авлодлардан-авлодларга авайлаб элтувчи тафаккур кемаларидир".

Китоб — юксак тафаккур меваси. Унда алломо донишмандларнинг дурдона фикрлари, энг сара ғоялари умумлашади. Демак, китоб мутлоаси донолар билан ҳамсуҳбат бўлишдек гап. Бу машғулот илмга ташна қалбларга озук беради. Шу боис тараққий этган мамлакатларда китобхонликка эътибор бўлакча.

"Ғоҳида одам китоб ўқиб турганида мутлақо узғариб қолади. Энг мағрур донолари ўта назокатли сиймолар ҳам, энг содда ва энг валий одамлар ҳам бу жозоба қаршида бўйин эга-

ди", — деган эди машҳур француз ёзувчиси Виктор Гюго. Китобларда шундай қадрамоналар учрайдики, улар одамийлик, жасорат ва матонат каби улғу сифатлари билан ўқувчига ибрат, намунадир. Инсоний муносабатлар очиб берилган асарларда ҳам шундай. Масалан, севи-муҳаббат, сабр-қаноат садоқат сингари гузал туйғулар мадҳ этилувчи "Юсуф ва Зулайхо" қиссасини олайлик. Мумтоз шарқ шеърини намоёндалари бу асарга қайта-қайта мурожаат қилган. Ҳазрат Навоийнинг "Фарҳод ва Ширин" достони ҳақида ҳам шу

фикрни айтиш мумкин. Навоийнинг шоҳ асари — "Ҳамса" достони халқимиз маънавий бисотидаги улкан бойликдир. Неча асрлар ўтса ҳамки, у одамларга завқу шуур улашиб келмоқда. Ҳа, бундай китобларни ўқиган инсон юз йилликлар давомида йиғилган маърифат инжуларини қисқа вақт мобайнида ўзлаштира олади. Демак, китоб — тараққиётга янада тезроқ эришиш имкониятини берувчи восита. Турмуш ва маданият даражаси юксак халқлар тарихида ўтган буюк олим адиблар асарлари билан танишмас экан, кўзлаган мақсадга эришиши амри маҳол. Инчунин, Ҳофиз ва Беделини, Навоий ва Бобурни, Умар Хайём ва Саъдийни, Гёте ва Шекспирни, Чингиз Айтматов ва Маркесни билмаган, уларнинг адабий меросидан баҳраманд бўлмаган замонадошларимиз кўп нарсадан мосуво.

Президентимизнинг 2017 йил 13 сентябрда қабул қилинган "Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутлоаси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида" ги ҳамда 2018

йил 12 майда имзоланган "Буюк алломалар, адиб ва мутафаккирларимиз ижодий меросини кенг ўрганиш ва тарғиб қилиш мақсадида ёшлар ўртасида китобхонлик танловларини ташкил этиш тўғрисида" ги қарорлари китобхонликни оммалаштириш учун кенг имкониятлар яратди. Ўтган ҳафтада пойтахтимизда бўлиб ўтган "Ўзбек мумтоз ва замонавий адабиётини халқаро миқёсда ўрганиш ва тарғиб қилишнинг долзарб масалалари" мавзусидаги халқаро конференция ҳам миллий адабиётимизни тобора юксалтириш, ўзбек адабиётининг энг сара намуналарини жаҳон миқёсига олиб чиқиш, дунё халқлари билан адабий алоқаларни мустақкамлашга хизмат қилиши аниқ.

Умуман олганда, жаҳон билан тенгма-тенг мулоқотга киришиш, миллий қадриятларимизга асосланган фуқаролик жамиятини барпо этиш учун ҳам саводли ва ўқимшли инсонлар керак. Бошқача қилиб айтганда, мамлакат келажаги қандай бўлишини бугунги ёшларнинг интеллектуал савияси белгилаб беради. Хулоса ўрнида яна ўша гап: навқирон авлод китоб билан ошно бўлмагунча юксала омайди.

MULOHAZA

ПАРВОЗДАГИ ҚУШ ЮКСАЛСИН

Бахтиёр БЎКАЕВ

Инсон ўта теран, серқирра, мураккаб руҳий олам эгаси. Бу оламда тинимсиз равишда эвришиллар содир бўлиб туради. Бахту бахтсизлик бақамти яшайди. Ундаги кечинмалар эса ўзгача, қайтарилмасдир. Балки шунинг учун Ҳазрат Навоий:

Кўп ўқидим Вомику Фарҳоду Мажнун қиссасини,
Ўз ишимдин бул ажаброқ достоне топмадим, —

деб ёзган. Инчунин, инсонни бирлаштириб турувчи яхлит, умумий ҳиссийлар бор. Муҳаббат у нафрат, қувонч ғам, кўтаринчилиги тушунлик барча қалбларнинг умумий меҳмони. Шунинг учун ҳам диллар дилларга яқин. Қалб ўз дардларига Вомику Ўзролардан тасаллию ором топади. Санъат деб аталмиш гулшан куйган кўнгилларга ватан бўлади. Ўртанган, тўлиб-тошган дилдаги оғриқлар беҳтиёр қўшиқ бўлиб отилиб чиқади.

Дастлабки қўшиқ ўғли Ҳобил ўлганда Одам Ато томонидан айтилган марсия бўлгани ҳақида ривоят қилдилар. Шундан буён не-не замонлар алмашмади. Не-не улғу зотлар ўтмади. Аммо уларнинг қўшиқча айланган дардлари доим уйғоқ.

Бугун ҳофизларимиз халқ қўшиқларини, классик ёзма адабиёт намуналарини замон талаблари асосида мусиканинг турли жанрлари билан уйғунлаштиратгани, бахшичилик анъаналарини ўзлаштириб, замонавий йўналишда талқин этишга уринаётганлари таҳсинга лойиқ (хонанда Маҳмуд Намозов ижоди бунга ёрқин мисол бўла олади). Замонавий техника ютуқларидан энг кўп баҳраманд бўлаётган санъат тури ҳам мусикадир. Аслида техника воситаларининг қўшиқчиликка кириб келиши XIX аср охири XX аср бошларига тўғри келади. Бу давргача қўшиқ, хусусан, фольклор намуналари асосан оғзаки жонли шаклда мавжуд эди. Энди овоз ёзиш, тасвирга олишнинг кенг имкониятлари очилдики, бензир истельодо эгалари репертуаридаги мусиқий асарларни эсраб қолиш, авлодларга етказиш ва кенг оммани бирдек баҳраманд этиш бахтига муяссар бўляпмиз. Бир сўз билан айтганда, техника тараққиёти одамларнинг маънавий юксалишига хизмат қилди. Хўш, ҳозирги ҳолатимиз қандай?

Бугун ҳам замонавий техника мусиқий асарлар-

га сайқал беришга хизмат қилмоқда. Шунинг эвазига Муножот Йўлчиева, Ўлмас Саиджонов каби мумтоз ашулчиларимиздан тортиб, Озодбек Назарбеков, Севара Назархон, Гулсанам Мамазоитовагача бўлган севили хонандаларимиз ижро маҳорати бекаму кўст тингловчига етказиб берилаётир. Қўшиқларга клиплар ишланиб, асар моҳияти, бадий гузаллиги шинаванда

ҳаракатлар узлариники, куй бировники, овоз эса, компьютерники. Клипларга сарфланаётган жарақ-жарақ пулларга, йўқотилган вақтга ачинасиз. Санъат майдонини бозор майдони сингари тасаввур қилишда, чамаси. Айрим оммавий ахборот воситалари шов-шув кетидан қувимиз, уч-тўртта қўшиқчи қанчалар ижрочини юлдуз даражасига олиб чиқаётгани, тор аудиторияда (тўғрироғи

Ҳақиқий санъат ҳеч қачон пулга қарам бўлмайди, пул билангина гўзаллик ҳам қаратиб бўлмайди. Кўпгина давлатларда фонограммдан фойдаланиш тақиқлаб қўйилган. Бутун бошли халқнинг кўз олдига оғиз қимирлатиш сахна эстетикаси, санъаткор этикасига қай даражада тўғри келишини ўйлаб кўрадиган фурсат етди, чоғи.

кўз ўнгиде янада равшан гавдалантирилмоқда. Эскириб қолган тасмалардаги куй ва қўшиқларга янги ҳаёт бахш этилмоқда.

Аммо... Афсуски, таъби хира қилувчи ҳолатлар ҳам бор. Радио, телевидение ва бошқа воситалар орқали таралаётган айрим "қўшиқ" ларни тинглаб, асаб толарининг тарангашади. На шеърда мазмун, на куйда уйғунлик кузатилади. Бундай "асар" лар шу даражада кўпайиб кетдики, қалавнинг учини йўқотиб қўяди киши. Алмоий-алжойи сўзлар тикиштирилган, бемаъни нақаротлар тизими қаторлаштирилган шеър, клип ва клипгади бемаза савияси паст тингловчилар орасида) мақталган қўшиқларни "хит" га айланди дея баҳо беришдан хижолат буласан. Атоқли қирғиз ёзувчиси Ч.Айтматовнинг "Оқ кема" қиссасида: "...Э бўтам, пул ҳижрон бўлган жойда эзгу сўзга урин йўқ, гузалликка урин йўқ", деган фикрларни ўқиймиз. Ҳақиқий санъат ҳеч қачон пулга қарам бўлмайди, пул билангина гузаллик ҳам яратиб бўлмайди. Кўпгина давлатларда фонограммдан фойдаланиш тақиқлаб қўйилган. Бутун бошли халқнинг кўз олдига оғиз қимирлатиш сахна эстетикаси, санъаткор этикасига қай даражада тўғри келишини

ўйлаб кўрадиган фурсат етди, чоғи.

Фикримизча, сохта санъат намуналари пайдо бўлмаслигининг олдини олиш билан бирга тингловчи ва томошбин савиясини оширишга ҳам интиломимиз керак. Балки шунда "эшитишгаптими, демак, муҳлисларимга ёқибди", қабилидаги қарашлар камаярми... Аудитория орасида тобора оммалашаётган бир фикр борки, бунга холис ва чуқурроқ ёндашиш зарурати туғилаётир. Гўё ёшларбоп ва ёш катталарга мос қўшиқлар мавжуд. Аслида шундаймикан?

Бизнингча, мавзу нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсакки, юқоридаги фикр ўзини оқлаши мумкин. Яъни, ёшлар кўпроқ муҳаббат мавзусидаги қўшиқлар, ёши катталар эса одатда фалсафий-дидактик йўналишдаги тароналар шинавандаси бўлади. Бу ҳар қайси тоифанинг психологик ҳолати, ҳаётини-маиший аҳволи билан боғлиқ. Бирок ёшлар фалсафий-дидактик қўшиқларни, ёши катталар муҳаббат мавзусидаги қўшиқларни эшитмайди, деган чегара қўйиш керак эмас. Марҳамат, мусиқа санъатининг хоҳлаган жанрида, хоҳлаган мавзуда бадий жиҳатдан бақувват ижод намунагини тақдим этинг, баҳони халқ беради, муҳлисларингиз сафида ёшу қари баравар туради. Айтايлик, "Хоразм лағзиси" ёки Ботир Зокировнинг "Раъно" қўшиғини ким тингламайди дейсиз?

Мустақиллигимиз бизга чексиз имкониятлар беради. Маънавий бойлигимизни тиклаш, ўрганиш, баҳраманд бўлиш ҳуқуқини қўлга киритдик. Умид қиламизки, бугунги ва келгуси авлодлар ушбу неъматнинг қадрига етади. Қўшиқчилик соҳасида ҳам бор имкониятлардан фойдаланилади, хато ва камчиликлар бартараф этилади. Яхши куй ва яхши сўз омичта бўлиб, қўш қанотга айланса, парвоздаги қўш — қўшиқни юксалик сари бошлайверади. Самога интилган кўнгилни-да, сарафроз этаверади.

савол туғилади. Бу ҳудудларда банд бўлмаган ёшлар йўқми? Ёхуд ерга такрорий экин экиммайдами?

Бу борадаги ишлар ўрганилганда, айрим ҳудудларда ёшлар иттифоқи ҳудудий кенгаши раҳбарлари, ҳоким ўринбосарлари сустваликка йўл қўйгани, ҳамкорликда ишламагани оқибатида такрорий экин экиммадан қолаётгани маълум бўлган.

Ёшларга сўғориш учун ноқулай, ҳосилдорлиги паст ерлар ажратиш ҳолатлари ҳам учрамоқда. Натижада бу ерлардан унумли фойдаланиш қийин кечмоқда.

Бу каби вазият барчамиздан ташаббус ва фидойилик билан меҳнат қилишни талаб этмоқда. Ёшлар билан тизимли ишлаш, улар учун муносиб шароитлар яратиш, бандлигини таъминлаш бугунги куннинг долзарб масаласидир.

ХЎЖАКЎРСИНГА ҚИЛИНГАН ИШ ЁХУД ЎЗИМИЗНИ АЛДАСАК КИМГА ФОЙДА, КИМГА ЗАРАР

Д.СУННАТОВ, ЎЗА муҳбири

Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг "Ҳар бир фермерга битта ёш" лойиҳаси доирасида фермерларга бир нафар банд бўлмаган ёш бириктирилиб, унга ғаладан бўшаган ер майдонидан бир гектар бериш тартиби йўлга қўйилди.

"Yoshlar — kelajagimiz" Давлат дастурини амалга ошириш бўйича ташкил этилган ишларда фермерларнинг ёшларга ажратаётган ер майдонлари тўғрисида маълумотлар тўпланмоқда.

Мамлакатимизда 160 мингдан ортқ фермер хўжаликлари фаолият кўрсатмоқда. Ёшлар иттифоқининг матбуот хизмати маълумотига кўра, бугунги кунга қадар фақат

10 минг 931 ишсиз ёшга 1 гектардан ер ажратилган. Хусусан, Фарғона вилоятида 3 минг 771, Андижон вилоятида 1 минг 371, Хоразм вилоятида 850, Сурхондарё вилоятида 849, Сирдарё вилоятида 800 ёшга 1 гектардан ер фойдаланиш учун берилган.

Афсуски, мавжуд имкониятлар ва қабул қилинган меърий ҳужжатларнинг ижроси айрим ҳудудларда номигагина бажарилмоқда. Қорақалпоғистон Республикасида атиги 12, Навоий вилоятида 72 нафар ёшга ер ажратилган. Шу ўринда

TOSHOYNA ALKOGOLDAN IMOM BUXORIYGACHA


("ojiza" va ojiz...lar bahsidan)

Sherbek BOBOQULOV

Navoiy shahridan qishlog'imga qaytishda avtobusga chiqdim. Tik oyoqda ketishim aniq esa-da, haydovchi ortidagi qatorning o'rindiqlaridan biriga, deraza tagiga cho'kdim. Oldimdagi o'rindiqlarda: yetmishlar tevaragidagi, ketmonnuxsa soqolini silliqlab kuzagan, chakmon-u do'ppisi salobatiga-salobat qo'shgan qariya bilan oltmishlar nari-berisidagi, tepakal boshiga shapkani bostirgan, tanqayma burunli, tovushi do'rilloq ko'sa o'tirardi. Ikkovining ham hangomasi qizigandan-qizib borar, ayniqsa, mo'ysafidning ovozi dadil-dadil chiqardi. Gapning o'zani pensiyaga burildi. Ularni zavqim toshib tinglayotgandim, ammo...

to'g'risini aytib, tepada Xudo bor!

Ayolni o'y bosdi. Tashvishi taraddudda qimindi. Tashvishi qabul qilingan "Ta'lim to'g'risida"gi qonunning 4-moddasi, 4-qismiga muvofiq, O'zbekiston Respublikasida istiqomat qilayotgan, fuqaroligi bo'lmagan shaxslar ta'lim olishda O'zbekiston Respublikasi fuqarolari bilan teng huquqlarga ega. Shundan kelib



Savolga huquqshunos Bahromjon ILHOMJONOV javob beradi:

— 1997-yil 29-avgustda qabul qilingan "Ta'lim to'g'risida"gi qonunning 4-moddasi, 4-qismiga muvofiq, O'zbekiston Respublikasida istiqomat qilayotgan, fuqaroligi bo'lmagan shaxslar ta'lim olishda O'zbekiston Respublikasi fuqarolari bilan teng huquqlarga ega. Shundan kelib

1 SAVOLGA 1 JAVOB

— O'zbekiston Respublikasida yashaydigan, lekin fuqaroligi bo'lmagan shaxslar 11 yillik umumta'lim maktabida o'qimoqchi bo'lsa, chet el fuqarosi sifatida ta'lim muassasasiga haq to'laydimi? Shunga aniqlik kiritib bersangiz.

Sanjar ESHONQULOV Bo'ka tumani

chiqib, maktab rahbariyati to'lashni talab qilishi o'qish uchun sizdan haq noqonuniydir.



(Yosh huquqshunoslar kengashi bilan hamkorlikda tayyorlandi).

YOSHLIK ILHOMI

FARZAND Dilobar MAMATOVA

Xolam — uch nafar qizning onasi. Pochcham farzandsiz emish...

YOLG'ONNING QIYMATI

Men rostini gapirgan edim. Yoqmadim. Sal yolg'on qo'shdim. Munosabating o'zgardi. Endi faqat yolg'on so'zlayapman. Butkul yoqib qoldim. Qara, yolg'onlarim evaziga seni sotib olayman.

EVRIKILISH

Buvim uch tandirlab non yopgan. Onam ikki tandirlab non yopgan. Opam... yopgan. Men esa, yo'q.

MUSIBAT YUKI

Ozod MUSTAFOYEV

Og'ir atletika bo'yicha navbatdagi jahon chempionati boshlandi. Barcha muxlislar taniqli sport ustasidan yangi rekordni kutmoqda. Afsuski, aynan shu damda chempionning boshiga og'ir musibat tushdi — shifoxonadagi singlisi olamdan o'tibdi. Avvaliga murabbiy unga shum xabarni yetkazmaslikka urindi. Biroq atrofda qolganlar xavotirli nigohlari hamma sirni oshkor qildi. U tosh ko'tarish uchun maydonga chaqirildi. Ammo unda na kuch, na g'ayrat bor. G'am-g'ussadan bo'shashib ketgan muskullari belgilangan yukning yarmini ham ko'tarishga dosh berolmadi. Shu alfozda arenani tark etarkan, ko'z oldi qorong'lashdi. U muxlislarining hayqirig'ini eshitmayotgandek edi. G'alaba nashidasini surishga odatlangan sportchi musibat yukini pochtoqlik yo'ri bo'lishini shundagina his qildi.

ENSİKLOPEDİK MA'LUMOT

MEHMONDORCHILIK

— o'zbek xalqida keng tarqalgan odat. Aslida u insoniyat tarixining dastlabki bosqichlarida shakllangan va hayotiy zarurlar bilan bog'liq bo'lgan. Ma'lum sabablar bilan tarqalib ketgan urug'-aymoqlar bir-birlarini axtarib topgach, ulug' mehmon tarzida izzat-ikrom bilan kutib olingan. Bora-bora mehmonga nafaqat urug'dosh va qarindoshlar, hatto begona kishilar, musofir yo'lovchilar ham taklif qilingan. Mahalla va qishloq jamoalari xonadonlarida mehmonni kutish uchun maxsus xonalar — mehmonxonalar qurilgan. Xonadonga kelgan mehmonni kattalar bilan bolalar ham birgalikda chiqib kutib olgan. Mehmon odatda uyning to'riga o'tqaziladi. To'kin dasturxon yoziqilib, non va choy keltiriladi. Keyinroq taom pishirilib tortiladi. Agar mehmon ot yoki ot-arava minib kelgan bo'lsa ot-ulo'vini bola (o'spirin) yoki maxsus otboqar otxonaga kiritib, beda-pichan bergan. Mezbon iloji boricha mehmonga saxovat ko'rsatishi shart bo'lgan. O'zbekcha mehmondorchilik taomidan yana biri — mehmon kimning xonadoniga kelishidan qat'i nazar, u bilan borib o'rishiga oshiqqanlar. Chunki u, ayni vaqtda, qishloq yoki mahalla jamoasining ham mehmoni hisoblangan. Ulug' mehmon oyog'i tagiga poyandoz to'shab, ba'zan qo'y so'yib kutib olingan. Ziyofatga qo'shilar, mahalladoshlar yoki qishloq oqsoqollari, hurmatli kishilar taklif etilgan. Mehmonni kuzatish oldidan sarpo kiydirish odati ham bo'lgan. Shunga o'xshash taomillar hozirgacha saqlanib kelinmoqda.

BILASIZMI?



Mehnatga haq to'lash muddati har yarim oyda bir martadan kam bo'lishi mumkin emas. Bu qoida jamoa shartnomasi yoki boshqa ichki normativ hujjatda belgilab qo'yiladi.

Haq to'lanadigan kun dam olish kuni yoki bayram kuniga to'g'ri kelib qolsa, mehnat haqi shu kun arafasida to'lanadi.

HIKMAT

O'zingdan kattalar oldida muloyim va kamtar bo'l, o'zingdan kichiklar oldida toqatli va xushmuomala bo'l.

"Avesto" kitobidan

MENING FIKRIM

MINGTA KINODAN AFZAL

Charos BILOLOVA

Dam olish kunlari kimdir do'stlari bilan madaniyat va istirohat bog'ida sayr qilishni xush ko'radi, kimdir esa, odatdagidek bozor-o'char bilan band. Shu kunlarda turli ko'ngilochar maskanlar, kinoteatr va ovqatlanish joylari ham gavjumlashadi. Bunday mashg'ulotlarga ancha-muncha mablag' hamda vaqt talab qilinadi, albatta.

Hech kimga aql o'rgatmoqchi emasman. Inson peshana teri bilan topgan pulini istagancha xarj qilish hamda kunini o'zi xohlagandek o'tkazishga haqli. Ammo ma'naviy ozuqa haqida ham o'yilasak yaxshi bo'lardi.


Yaqinda poytaxtimizdagi Temuriylar tarixi davlat muzeyiga bordim. Chipta narxi kattalar uchun 2 ming, bolalar uchun 1 ming 500 so'm. Rosti, maza qildim. Nodir ekspozitsiya sizni xuddi temuriylar davriga qaytaradigan tuyuladi. Muzeiy xodimi Mavluda Xolbo'tayeva ekspozitsiya haqida batafsil ma'lumot berdi. O'sha davrlarda kiyilgan sovutlar, qilich, dubulg'a va boshqa harbiy aslahalar, maishiy hayotda foydalanilgan buyumlarni bir-bir ko'zdan kechirdim. Vaqt qanday

o'tganini bilmay qolibman. Atrofga nazar salsam, zallarda sanoqli odam yuribdi. Deyarli hammasi sayyoh. Mavluda opaga savol nazari bilan yuzlandim:

— Muzeymizga asosan xorijlik sayyohlar tashrif buyuradi, — dedi u. — Ular har bir detalni sinchiklab ko'radi. Chunki yurtimiz tarixi-yu buyuk ajdodlarimizning hayotiga qiziqadi-da. Taassufki, ayrim yurtdoshlarimiz ularchalik emas. Hayotida hatto biron marotaba muzey ostonasidan hatlamaganlar bor ichimizda. Ayniqsa, yoshlar mazkur masalaga jiddiy e'tibor qaratib, kutubxona, muzey, teatr kabi madaniyat maskanlariga kirishga odatlansa, nur ustiga nur bo'lardi.

Men ham tengdoshlarimni shunga chorlab qolaman.

POLIZNI TOMCHILAR "OVUTAR", TARVUZNI "SOY" ZO'RG'A SOVUTAR!..



She'xavir muallifi, Jahongir MIRZO.

MUASSIS

O'ZBEKISTON YOSHLAR ITTIFOQI-MARKAZIY KENGASHI

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 2017-yil 2-avgustda № 0242 raqami bilan qayta ro'yxatdan o'tgan.

Bosh muharrir Karimov Faxriddin Turdalievich

TAHRIR HAY'ATI

Kamoliddin Beknazarov, Mansur Bekmurodov, Laziz Tangriyev, Madamin Safarov, Alisher Sa'dullayev, Dilmurod Nabiyev, Azim Mirzajonov, Nodir Abdugodirov, Nargiza Umarova — bosh muharrir o'rinbosari ("Yoshlar ovozi"); Irina Kochergina — bosh muharrir o'rinbosari ("Молодежь Узбекистана"); Yelena Kalinina — mas'ul kotib ("Молодежь Узбекистана").

Dizaynerlar

Abdullayev Xurshid O'ktamjonovich Norboyev Jamoliddin Jumanazar o'g'li

Navbatchi

Boboravshan G'oziddinov

Gazeta materiallari tahririyat kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

"YOSHLAR OVOZI" dan materiallarni ko'chirib bosish tahririyat ruxsati bilan amalga oshirish shart. belgisi bilan tijoriy materiallar chop etiladi.



Tahririyat manzili: 100083, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32. Telefonlar: (371) 150-22-74, (371) 233-95-97. (371) 233-79-69 (faks) E-mail: yoshlarovozi@uamail.uz

"Sharq" nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida, A-2 formatda chop etildi. Hajmi — 2 bosma tabaq Korxonalar manzili: Buyuk Turok ko'chasi, 41.

Indeks: 203, 3203 Bahosi kelishilgan narxda.

Buyurtma G-836 Adadi — 12073

Bosilgacha topshirish vaqti — 21.00 Topshirildi — 22.15

Ofset usulida bosilgan.

1 2 3 4 5